



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИНИ КЎРСАТИШ ФАОЛИЯТИДА ЗАМОНАВИЙ ИЛМ-ФАННИНГ ЎРНИ.

Хўжаярова Нилуфар НEMAT қизи

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси

мустақил изланувчиси

тел: (90) 987-08-61;

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7137616>

ARTICLE INFO

Received: 27th September 2022

Accepted: 01st October 2022

Online: 03rd October 2022

KEY WORDS

давлат, хизмат, хизмат
кўрсатиш, давлат
хизматини кўрсатиш,
“Электрон ҳукумат”.

ABSTRACT

Ушбу мақолада давлат хизматларини ташкил этишда илм-фан ютуқларидан фойдаланишнинг зарурияти ва бу борада олиб борилаётган ислохотлар, шу мавзуда илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг фикрлари таҳлили, шунингдек, давлат хизматларини ташкил этиш фаолиятининг мазмун-моҳияти баён этилган.

Ҳозирги глобаллашув замонида жамиятдаги барча ижтимоий муносабатлар ва хизматлар ахборот коммуникация технологилари асосида амалга оширилиши кундалик оддий ҳаёт тарзига айланишга улгурди. Сўнгги вақтларда давлат ҳокимияти органлари фаолиятининг самарадорлигига, давлат бошқаруви ва давлат хизмати соҳасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида биринчи навбатда давлат томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ривожланиб бораётган Ўзбекистонда мазкур тизимни такомиллаштириш, эскича қарашлар ва ортиқча қоғозбозликлардан воз кечиб замонавий, рақамлаштирилган “Электрон ҳукумат” ва қулай инфраструктурани ташкил этиш борасида тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Зеро, Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида “Электрон ҳукумат”

тизимини ривожлантириш, электрон давлат хизматларининг улушини 100 фоизга етказиш ҳамда бюрократияни бартараф этиш”^[1] алоҳида устувор мақсадлардан бири сифатида таъкидланиб, бир қатор вазифалар белгилаб олинди:

- Давлат хизматларини мобил иловалар орқали кўрсатишни кенгайтириш;
- Давлат хизматларини кўрсатишда шахсни идентификация қилишнинг Mobile ID тизимини жорий қилиш;
- «Электрон ҳукумат» тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали давлат органлари ҳамда хусусий тижорат ташкилотлари ўртасида маълумот алмашинувини йўлга қўйиш асосида бюрократик жараёнларни қисқартириш;
- Шахсга доир маълумотларнинг ҳимоясини таъминлайдиган рухсат



бериш ҳамда хабардор қилиш тизимини жорий этиш;

- Фуқароларга муддатли, муайян фактни тасдиқловчи ҳужжатларни бериш ва алмаштиришни ҳамда композит давлат хизматларини уларнинг мурожаатини кутмасдан туриб таклиф этиш амалиётини йўлга қўйиш;

- Кекса ва ногиронлиги бўлган шахсларга давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, уларга қулайликлар яратиш;

- «Рақамли идора» лойиҳаси доирасида давлат органларида иш юритувини рақамлаштириш орқали маъмурий тартиб-таомилларни оптималлаштириш ва бошқарув жараёнини автоматлаштириш;

- «Фуқароларнинг рақамли паспорти» лойиҳасини жорий қилиш ҳисобига аҳолидан муайян фактларни тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиш амалиётини бекор қилиш;

- Хориждаги Ўзбекистон фуқароларига давлат хизматларини кўрсатиш амалиётини кенгайтириш;

- Давлат хизматларини рақамлаштириш ва уларнинг 20 фоизини хусусий секторга ўтказиш.

Юқорида санаб ўтилган вазифаларни амалга ошириш давлат органлари томонидан мазкур соҳани чуқур ўрганишни талаб этиб, ўз навбатида, давлат хизматларини кўрсатиш тушунчаси, моҳияти ва аҳамиятини ҳар тарафлама тадқиқ этиш заруриятини юзага келтиради. Шу боис, ҳар қандай ҳуқуқ институти сингари давлат хизматларини кўрсатишнинг ҳам илмий-назарий асосларини пухта ишлаб чиқиш [2] унинг амалий фаолиятда

муваффақиятли ва самарали ишлашининг натижаси бўлиши табиий. Ўзбек тилининг изохли луҳатида, “давлат [3] (араб. мамлакат) ўз фуқароларининг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, бунга қарши турувчи кучларнинг қаршилигини синдирувчи ҳокимият органлари ва сиёсий ташкилотлари тизимига эга бўлган мустақил мамлакат”[2][3]. дея таъриф берилган бўлиб, немис файласуфи Иммануил Кантнинг таъбири билан айтганда “Давлат ҳуқуқий қонунлар ҳимоясида бўлган кўпчилик одамларнинг бирлашмасидир”[3][3]

Ўзбек тилининг изохли луҳатида, “хизмат [4] (араб. иш, лавозим; хизмат кўрсатиш; ёрдам) Бирор иш ёки меҳнат билан шуғулланиш; бирор ишни бажариш; иш, меҳнат”[2][2] сифатида изохланган. Ф. Котлер ўзининг асарида, “хизмат кўрсатиш – ҳаракатлар, манфаатлар ёки қаноатлантиришлар сифатидаги сотиш объекти”[4][4]деб ёзиб ўтган.

Н.С. Нарматов, Ҳ.Р. Раҳмонқулов, И.Б. Зокиров ва У.М. Маҳмудходжаевалар томонидан олиб борилган тадқиқотларда хизматлар моддий шаклга эга бўлмаган муайян бир фаолиятни амалга ошириш ёки маълум бир ҳаракатни қилиш натижасида буюртмачи ва ижрочи ўртасида вужудга келадиган фуқаролик-ҳуқуқий муносабат сифатида таъриф берилган.

Шу ўринда эътироф этиш лозимки, хизматлар цивилистик тушунча сифатида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 38 бобида келтириб ўтилган. Бироқ хизматлар доираси кенглиги боис олимлар томонидан “оммавий хизматлар” ва



“хусусий хизматлар”га ажратиб ўрганилади. “Хусусий хизматлар” фуқаролик-хуқуқий нормалар билан тартибга солинадиган шартномавий хусусиятларга эга бўлганлиги сабабли биз келгусидаги тадқиқот жараёнида Ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган давлат хизматларинининг “Оммавий” шаклини кўриб чиқамиз.

Ўзбекистонда “давлат хизматлари” тушунчаси фақат маъмурий ислохотлар жараёнида қўлланила бошланди, гарчи кўпгина хорижий мамлакатларда давлат “хизмат кўрсатувчи” сифатида қараладиган бундай хизматлар шахс, жамият ва давлат муносабатларнинг асосий шаклларида бири бўлиб, жамиятда унга бўлган эҳтиёжлар ортиб бормоқда.

Давлат хизмати [5] бу жамият аъзоларининг муайян эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган ҳар қандай хизмат[5] Л.В. Бесчастнованинг фикрича давлат хизмати - жамоат муносабатлари бўлиб, унинг объекти фуқаро ёки ташкилотнинг муайян эҳтиёжидир.[6]

Юқоридаги келтирилган фикрларга кўра давлат хизматининг асосида жисмоний ва юридик шахсларнинг эҳтиёжи ётиши назарда тутилган бўлиб, А.А. Кобозев берган таърифда батафсилроқ ёритилган: давлат хизмати — давлат томонидан тегишли органлар ва давлат муассасалари орқали амалга ошириладиган, ариза берувчиларнинг қонуний эҳтиёжларини қондиришга қаратилган, моддий ифодага эга бўлмаган натижага эришишга олиб келадиган муайян ҳаракатлар кетма-кетлигидир[7].

С.Е. Нарышкина, Т.Я. Хабриевойларнинг тадқиқот натижаларига кўра, давлат хизматлари давлатнинг давлат функциялари билан бевосита боғлиқ, уларни давлат тузилмалари томонидан тақдим этиш ушбу функциялардан келиб чиқмайди[8]. Бунда давлат органларининг вазифалари ва хизмат кўрсатиши бир-бирига боғлиқлиги, аммо алоҳида фаолият эканлигига урғу бериб ўтилган.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, А.А. Кобозев ҳам юқоридаги олимларнинг фикрларини қўллаб қувватлаган ҳолда, ички ишлар органлари томонидан кўрсатиладиган Давлат хизматлари ўзларига юклатилган давлат функцияларининг бирортасига асосланиши мумкин эмас[7] дея таъкидлайди.

Миллий қонунчилигимизга кўра, давлат хизмати — ариза берувчиларнинг сўровларига кўра амалга ошириладиган, давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат. Агар қонунчиликка мувофиқ давлат хизматлари кўрсатиш функциялари бошқа ташкилотлар зиммасига юклатилган бўлса, улар ҳам давлат хизматини кўрсатишлари мумкин[9].

Мазкур норматив-ҳужжатда берилган давлат хизматининг таърифи унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англашда бир қанча саволларни юзага келтирмоқда. Жумладан, биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 2019 йил 31 июль кунидаги “Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш тўғрисида” 136-сон қарорининг иловасида келтирилган



ички ишлар вазирлигининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасида кўрсатиладиган давлат хизматларининг рўйхатида мурожаатнинг электрон шакли ҳам назарда тутилган бўлиб, “ариза берувчиларнинг сўровларига кўра” [2] деган жумла юзасидан электрон мурожаатда хизмат кўрсатилмаслиги эҳтимоли бўлиши мумкин; иккинчидан, “давлат органларининг вазифаларини бажариш бўйича улар томонидан кўрсатиладиган хизмат” бу юқорида ўрганилган олимларнинг фикрига қарама-қарши бўлиб, фикримизча, ваколатли органларнинг вазифалари ва давлат хизматларини кўрсатишни ягона фаолият сифатида қараш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, “Давлат хизматлари ягона реестрини тасдиқлаш

тўғрисида” 136-сон қарорининг иловаси асосида давлат хизматини кўрсатиш ваколатли давлат органларининг тегишли соҳавий хизматларигагина юклатилади.

Юқоридаги таҳлилларга асосланган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 9 декабрь куни қабул қилинган “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонунида келтирилган давлат хизмати тушунчасини қуйидагича талқин этиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

“давлат хизмати [2] мурожаат этувчиларнинг эҳтиёжлари асосида амалга ошириладиган сўровларига кўра, ваколатли давлат органлари томонидан қаноатлантириладиган фаолият тури”.

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли фармони Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2022 й., 06/22/113/0330-сон.
2. https://n.ziyouz.com/books/uzbek_tilining_izohli_lugati/O'zbek%20tilining%20izohli%20lug'ati%20-%20D.pdf
3. Кант И. Сочинения в 6-ти томах. Т.4. [2] М., 1965. [2] 270-бет.
4. Котлер Ф., Боуэн Дж., Мейкенз Дж. Маркетинг. Гостеприимство. Туризм: учебник. –М.: «Юнити-Дана», 2002. – С.59.
5. https://en-m-wikipedia- rg.translate.goog/wiki/Public_service
6. Бесчастнова Л.В. Административно-правовое регулирование государственных услуг: Автореферат...канд. юрид. наук. [2]
7. [predostavlenie-gosudarstvennyh-uslug-organami-vnutrennih-del-ponyatie-suschnost-soderzhanie.pdf](#)
8. Административная реформа в России: Научно-практическое пособие / Под ред. С.Е. Нарышкина, Т.Я. Хабриевой. – М., 2006. С. 76.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳукумат тўғрисида”ги қонуни ЎРҚ-395-сон 2015 йил 9 декабрь <https://lex.uz/docs/2833860>